Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

4-йил чиқиши

14 НОЯБРЬ 1969 й.

ЖУМА

№ 267 (1030).

БАҲОСИ 2 ТИЙИН

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

1970 ЙИЛ
11 АПРЕЛЬ
КОММУНИСТИК
ШАНБАЛИК

«ЮЛДУЗ» ФИРМАСИ МЕҲНАТ БАЙРАМИГА ЧИҚАДИ

⊙ ТИКУВЧИЛАР КОММУНИСТИК ШАНБАЛИК КУНИ ТЕЖАЛГАН МАТЕРИАЛЛАР ҲИСОБИГА 3745 ТА БУЮМ ТАЙЁРЛАШГА ҚАРОР ҚИЛИШДИ. ⊙ ШУ КУНГИ 14 МИНГ СЎМЛИК МЕҲНАТ ҲАҚИ БЕШ ЙИЛЛИК ФОНДИГА ТОПШИРИЛАДИ.

«Юлдуз» тикувчилик фирмасининг 3-цехига киришингиз билан оқ зарбдорларча меҳнат завқ-шавқининг гувоҳи бўласиз.

Поток линялар, бир текисда айланаётган транспортёр лентадаги костюмларнинг даста-даста бичилган бўлакларини конвейер тикувчиларга етказиб бериб турибди.

Тикув машиналари, костюмларнинг олд томон бўлакларини прессловчи ярим автоматлар ва бошқа хил ускуналар технологияни ҳисобга олган ҳолда ўрнатилган. Бу ерда харидорларнинг талабига мос фасон ва моделда эркаклар костюми тикилмоқда. Шу йилнинг ўзида бу ерда костюмларнинг бешта янги модели ўзлаштирилди.

Бу йил кийимлар тикиш жараёнининг технологик схемаси қайта кўриб чиқилди ва бир қанча операциялари механизациялаштирилди. Бу тадбир меҳнат унумдорлигини 4 процент оширди ва 10 ишчини бошқа участкаларда ишлашга ўтказиш имконини берди.

Ҳозир коллектив аъзолари костюм тикишнинг янги технологиясини жорий этишга тайёргарлик кўрмоқдалар. Бу тадбирнинг амалга оширилиши натижасида мавжуд ишлаб чиқариш майдонида буюмлар тайёрлаш ҳажми қарийб учдан бир баравар ошади.

— Цехда ўз касбининг омилкорлари бўлган ажойиб кадрлар етишиб чиқди,— дейди цех партия ташкилотининг секретари, цех бошлиғининг ўринбосари А. Гончарова.— 288 ишчи беш йиллик шахсий топшириқларини бажарди. Тикувчи В. Рауданен, П. Митрякова, Е. Бабишева, дазмол босувчи Р. Ибатова ва бошқалар шулар жумласидандир.

Цех коллективи корхонада биринчи бўлиб 1970 йил 11 апрель куни Коммунистик шанбаликка чиқиш ташаббусини бошлаб берди. Икки смена ўртасида шу ҳақда митинг бўлиб ўтди.

Комплектловчи В. Шорина, цех бошлиғи З. Горбунова ва бошқалар ҳамкасблари «Қизил тонг» тикувчилик фирмаси коллективининг Коммунистик шанбалик ўтказиш ва иш ҳақини беш йиллик фондига топшириш ҳақидаги ташаббусини қизғин қўллаб-қувватладилар.

— 1969 йил 12 апрелда ўтказилган Коммунистик шанбалик куни 400 та костюм тиккан эдик. 1970 йил 11 апрель куни 420 та костюм тикамиз.

Бу таклиф яқдиллик билан қабул қилинди. Шу куни фирма бошқарув аппаратининг ходимлари янги қурилаётган ишлаб чиқариш корпусига ишга чиқадилар.

Корхона бичиқ цехининг, шунингдек 4, 6- ва бошқа цехларнинг коллективлари «Қизил тонг»чилар ва 3-цех коллективининг қарорига бир овоздан қўшилганликларини билдирдилар.

1970 йил 11 апрель куни тежалган материаллар ҳисобига 3745 буюм, жумладан 1040 эркаклар костюми, 615 аёллар жакети, болаларнинг мактаб формасидаги костюмидан 465 та, 235 эркаклар пиджаги тикиб беришга қарор қилинди.

Фирма коллективи шу кунги меҳнат ҳақини беш йиллик фондига топширади.

Тикувчилар 1970 йил 21, 22 апрель юбилей кунлари ҳам тежалган материаллардан буюмлар ишлаб чиқариш мақсадида хомашё ва ярим тайёр материалларни оқилона тежаб-тергаб сарфлаш учун курашни янада кучайтириб юбордилар.



Трикотаж фирмасининг ишчилар коллективи халқимиз учун турли хил трикотаж маҳсулотларини кўплаб ишлаб чиқармоқда.

СУРАТДА: капрон йигириш участкасининг пешқадам ўровчиси Ранса Бобобекова.

М. Нурниддинов фотоси.

АНСАМБЛНИНГ САФАРИ

Яқинда Туркистон ҳарбий округининг ашула ва рақс ансамбли Покистон Республикасига гастролга жўнаб кетди.

Ўзбекистон ССР халқ артисти В. Смислов раҳбарлик қилаётган ансамблнинг қўшиқчи, раққос ва созандалари шарқ мамлакатида ўнлаб концертлар беришади.

Ансамблнинг концерт программасида рус ва бошқа қардош халқларнинг ашула ва рақслари бор.

КАРТОШКА ОМБОРИ

9-қурилиш трестининг бинокорлари Назарбек қишлоғида улкан картошка омбори қурилишини тугатдилар. Бу ерда қиш фаслида 7 минг тоннагача картошка сақлаш мумкин.

● Пойтахтимиз меҳмонлари

ЧЕХ ЭСТРАДАСИ ПАРВОЗИ

Яна Свердлов номидаги концерт залн эстрада мухлислари билан тўлди. Бу ерга қардош Чехословакиянинг композитор Карела Валдауф раҳбарлигидаги эстрада оркестри концертига ҳамшаҳарларимиз ташриф буюришди. Эстрада оркестрининг енгил ва шўх музика ҳамда рақслари тошабинларимизни ҳ и г олқишларига сазовор бўлди. Чехлар ўзсанъатлари билан фақат Тошкентдаги эстрада ншқибозларинигина эмас, балки Совет Иттифоқининг кўпгина шаҳарларида мухлисларини хушнуд қилишди.

Оркестр составида талантли қўшиқчи Ирина Чижкова, Дана Никендайева ва Петрус Вацлавларнинг чиқишлари томошабинларда улкан таассурот қолдирди. Улар ижро этган «Қишлоқ уйқуда», «Бир уйда» ва бошқа шўх эстрада қўшиқлари ҳамшаҳарларимизга манзур бўлди.

ЯНГИ КУРС

Куни-кеча Тошкентдаги 4-билим юртида техникларнинг икки ойлик курси очилди. Курсда республикамизнинг турли шаҳар ва районларидан келган йигит-қизлар таълим олишмоқда.

Янги курсда 30 кабелчи ва 30 алоқа ходими ўқияпти. Уларнинг ўқиши ва дам олиши учун техникумда ҳамма шароитлар яратилган.

● Янгиликлар адреси:



● ТОШКЕНТЛИКЛАР «ОҚ ОЛТИН» ДАЛАЛАРИДА

Ҳамиша мададкор

(РЕПОРТАЖ)

Чўл қўйнига кириб боряпмиз. Автобус дераза сидан пахтазорга боқамиз. Далалар, оппоқ «зар толалар» билан янада файзли кўринади кишига. Гўё бу ерлар чўл бўлмаган дейсиз. Гўзалар шундай ривож билан ўсганки, ҳозир ҳам ҳосилини кўриб қалбингиз қувончга тўлади.

Мана, Сирдарё область Ильич районидаги Водьков номли 1-совхоз 1-бўлимининг Салим Абдуалимов бошлиқ бригада далалари. Пайкалда икки қиз суҳбатлашиб кўсак теряпти.

— Меники 210 килограммга етди, — дейди Мавлуда Рихсиева қувонч билан.

Меники эса сеникидан 10 килограмм кам, 200 бўлди, кечқурунгача етиб оламан,— кулиб дейди дугонаси Кимё Эргашева.

Икки чевар қиз ўзаро мусобақалашиб эгат орасига шўнғиб кетишди. Қалби пахта ишқи билан ёнган бу қизларни ким деб ўйларсиз. Булар Охунбобоев номидаги Тошкент медицина билим юрти медицина ҳамширалари тайёрлаш факультетининг 2-курс талабалари. Шу кунларда улар совхоз пахтакорларига мададкор бўлмоқдалар.

Мададкорлардан Кимё Эргашева, Мавлуда Рихсиева, Анор Норматова, Мунаввар Каттаева, Матлуба Охунжонова, Лидия Ким, Светлана Старобубцева, Саломат Азимхўжаева кабилар ҳар куни 200-250 килограммдан кўсак териб курсдошларига ўрнак бўлишмоқда.

— Ҳозиргача, факультет студентлари, —дейди ўқитувчи Мурод Умаров биз билан суҳбатда, 460 тоннага яқин кўсак теришди. Ҳали фидокор қизларнинг ҳиммати улуғ. Улар мавсум охиригача яна 140 тонна, ҳаммаси бўлиб 700 тонна кўсак териб беришга аҳд қилишган.

Ж. РАЗЗОҚОВ,

СУРАТДА: илғор теримчи Саломат Азимхўжаева.

Автор фотоси.



Техника билим юртининг талабалари Сирдарё областининг Пахтакор районидаги Акмал Икромов номли совхоз далаларида пахта термоқдалар.

Ушбу суратда ана шу техника билим юртининг студентлари [чапдан] Н. Алимова, Д. Сулаймонова, Р. Хошимоваларни кўриб турибсиз. Улар ҳар кун хирмонга 110 килограмм етказиб «оқ олтин» тўкмоқдалар.

А. Тўраев фотоси.

АЗАМАТ СТУДЕНТЛАР

Тошкент қишлоқ хўжалик техникумининг студентлари Сирдарё областининг Мирзачўл районидаги «Партия XXIII съезди» совхозида фидокорона меҳнат қилиб, «оқ олтин»ни йиғиб-териб олишда пахтакорларга яқиндан кўмаклашмоқдалар. Улар шу кунга қадар 440 тоннадан зиёд пахта тердилар.

Техникум студентлари Сирдарё области бўйича техникумлараро социалистик мусобақада ғолиб чиқиб, кўчма Қизил байроқни қўлга киритдилар. Улар биринчиликни қўлдан бермаслик учун хирмонга ҳар куни 20—25 тоннадан «оқ олтин» тўкишмоқда.

Г. БОТИРОВ,
ўқитувчи.

Тонгги газеталарда

⊙ СССР Олий Совети Президиуми ва Совет ҳукуматининг таклифига биноан Судан Демократик Республикаси Революцион Кенгашининг Раиси ва Бош министри генерал-майор Жаъфар Муҳаммад Нимейрининг Совет Иттифоқида бўлиши ва унинг СССР партия ва ҳукумат раҳбарлари билан олиб борган суҳбатлари ҳақида Совет — Судан қўшма ахбороти эълон қилинган.

⊙ Совет Иттифоқига келган Туркия Республикасининг Президенти Жавдет Сунай 12 ноябрда СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорний ва СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин билан Кремлда суҳбатлашди. Ҳар икки суҳбат дўстона вазиятда ўтди.

⊙ 1969 йил 12 ноябрда Совет Иттифоқида Ернинг навбатдаги сунъий йўлдоши «Космос-309» учирилди.

Ўй муборак!

КАЛИТЛАР ШОДАСИ

БУГУН

153-қурилиш трестининг 64-бошқармаси 50 квартирали бинода барча ишларни ниҳоясига етказди.

«Ташсельмаш» заводининг ишчи ва хизматчиларидан 100 дан ортиқ оила янги уйларга кўчиб киради ган бўлди. Наққошлик кўчасида қад кўтарган бири 70 квартирали, бири 40 квартирали уйларга ҳам яқин орада машинасозлар кўчиб киришади.

Шаҳардаги болалар богчалари қаторига яна битта янгиси қўшилди.

«1-Қорақамиш» массивида қад кўтарган 280 ўринли бу боғча ни «Жильстрой»нинг 45 бошқармаси қурди.

Шахристон кўчасида қад кўтарган 40 квартирали уйни 139-қурилиш трестининг 9-бошқармаси бунёд қилди.

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ ССР ИТТИФОҚИ МИНИСТРЛАР СОВЕТИГА

Биз, Ўзбекистон колхозчилари съезднинг қатнашчилари республиканинг барча қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари номидан Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетига, СССР Олий Совети Президиумига, ССР Иттифоқи Министрлар Советига қишлоқ меҳнаткашлари тўғрисида, мамлакат қишлоқ хўжалигини ҳар томонлама ривожлантириш ҳақида қилаётган доимий отаталарча ғамхўрликлари учун чин кўнгилдан салом йўллаб самимий миннатдорчилик изҳор қиламиз.

Бизнинг съездимиз ажойиб бир вақтда ўтмоқда. Бундан бир неча кун муқаддам совет халқи, бутун прогрессив инсоният Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 52 йиллигини тантанали равишда байрам қилдилар ва жаҳоншумул-тарихий сана — В. И. Ленин туғилган куннинг 100 йиллигини муносиб нишонлашга тайёргарлик кўрмоқдалар.

Колхозчиларнинг область конференциялари, республика съездлари ҳамда қишлоқ хўжалик артелининг янги устави тасдиқланадиган Бутуниттифоқ колхозчилар съезди юбилей арафаси йилидаги жуда катта аҳамиятга эга бўлган воқеалардир. Бу воқеалар Ленин кооператив плани тантанасини ифодалайди, Совет ҳокимияти йиллари мобайнида қишлокларимиз ҳаётида рўй берган жуда катта социал-иқтисодий ўзгаришларни якқол намойиш қилади. колхоз тузумининг буюк бунёдкорлик кучини кўрсатади.

Ўзбек деҳқонининг революциядан аввалги даврдаги ҳаёти нақадар оғир ва мусибатли бўлганлигини съездимизнинг кўпгина қатнашчилари яхши эслашади. Тинкани қуритувчи меҳнат, очлик ва кешшоқлик, ҳуқуқсизлик ўзбек деҳқонининг қисмати эди. Улуғ Октябрь социалистик революцияси, совет қишлоғи йирик социалистик хўжаликка ўтганлиги туфайлигина деҳқон ҳаётининг бутун уклади тубдан ўзгариб кетди, у эксплуатация ва зулмдан, феодал бойлар асоратидан халос бўлди, деҳқонгар равнақ топишнинг катта йўлига чиқиб олдилар, ер ва сувнинг хўжайини, ўз тақдирининг хўжайини бўлиб қолдилар.

Коммунистик партиянинг доно ленинча миллий сиёсати, СССР халқларининг бузилмас дўстлиги ва қардошлиги сиёсати амалга оширилганлиги натижасида Ўзбекистон меҳнаткашлари Совет ҳокимияти йиллари мобайнида хўжалик ва маданий қурилиш соҳасида катта-катта муваффақиятларга эришдилар.

Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида зўр ўзгаришлар рўй берди. Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси ташкил топган 1924 йилда 209 минг тонна пахта етиштирилган бўлса, 1968 йилда пахта етиштириш 4 миллион тоннадан ошиб кетди, яъни 20 баравардан зиёд кўпайди, шу давр ичида пахта ҳосилдорлиги гектар бошига 7,8 центнердан 25 центнерга етди. Ҳозир республикада қудратли замонавий техника билан таъминланган 1043 колхоз ва 325 совхоз бор. Сув хўжалиги қурилиши мислсиз кенг қулоч ёзди. Деҳқончилик ва чорвачиликнинг ҳамма тармоқлари тез суръатлар билан ривожланиб бормоқда. Дон, шоли-луб экинлари, қоракўл, пилла, сабзавот, мева ва узум етиштириш йил сайин кўпайиб бормоқда.

Пахтачиликни ривожлантиришда айниқса катта ғалабаларга эришилди. Пахта бизнинг юртимизда жуда қадим замонлардан бери етиштирилмоқда. Лекин у Совет ҳокимияти давридагина, Ленин партиясининг ғамхўрлиги туфайли бойлигимизнинг энг муҳим манбаи, бизнинг миллий ифтихоримиз бўлиб қолди. Ватанни тобора кўп миқдорда пахта билан таъминлашни биз мамлакатимиз қардош халқлари олдидаги ўзимизнинг интернационал бурчимиз деб, биламиз. Бу бурчни бажо келтириш коммунизмнинг юксак идеаллари тантанаси учун совет халқи олиб бораётган муштарак курашишига қўшилган муносиб ҳиссамиз бўлади.

Партия XXIII съезди қарорлари ҳамда КПСС Марказий Комитетининг 1965 йил март, 1966 йил май ва 1968 йил октябрь Пленумларининг қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини янада юксалтириш йўлларини белгилаб берган қарорлари бутун мамлакат сингари Ўзбекистоннинг ҳам қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда муҳим роль ўйнади. Республикамиз дала меҳнаткашлари ана шу қарорларни амалга ошира бориб, янги-янги катта муваффақиятларга эришдилар. Шу беш йилликнинг дастлабки уч йили мобайнида шундан аввалги уч йилдагига нисбатан пахта етиштириш 750 минг тоннадан зиёд кўпайди. Бу йил уларнинг дон, пилла, қоракўл тери, каноп, сабзавот, полиз маҳсулотлари тайёрлаш йиллик планларини муддатидан олдин бажардилар, гўшт, сут, тухум тайёрлаш муваффақиятли давом этмоқда.

Ҳозир пахта учун бошланган умумхалқ жангининг долзарб кунлари келди. Бу — шунчаки сўзлар эмас. Бу йилги куз пахтакорлар олдига бениҳоя мураккаб ва қийин вазифалар қўйди. Ўтган қиш ҳаддан ташқари совуқ келди, кўклам кеч келиб, жуда чўзилиб кетди. Табиий офатлар сабабли пахтакор хўжаликлар жуда катта қийинчиликларга дуч келди.

Бу йилги кузда пахта ҳосили одатдагидан кеч етилди, шу сабабли терим ишлари ҳам кеч бошланди. Лекин ҳозир ҳамма колхозчилар, совхозларнинг ишчилари, шонли механизаторларимиз, қишлоқ хўжалик мутахассислари, ҳаваргa келган шаҳарликлар етиштирилган пахта ҳосилини нобуд қилмай териб олиш, Ленин юбилейи шарафига қабул қилинган мажбуриятни бажариш учун ҳамма чораларни кўрмоқдалар.

Қишлоқ хўжалик артелининг Намунавий Устави лойиҳаси бутун республикада, барча колхозларда колхозчиларнинг кенг кўламда қатнашуви билан умумхалқ муҳокамасидан ўтказилгандан кейин биз ана шу съездга тўпландик. Ана шу умумхалқ муҳокамасида биз совет социалистик тузумининг чинакам демократизми ифодасини кўриб турибмиз, қишлоқ хўжалик артелининг янги устави колхоз тузумини янада ривожлантириш, мамлакатда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари мўл-кўллигини вужудга келтириш манфаатларига, коммунистик қурилиш манфаатларига батамом мос бўлиб тушишининг мустаҳкам гарантиясини кўриб турибмиз.

Бугун биз мамлакатимиз деҳқонларига қилган ҳамма яхшиликлари учун жонажон Ленин партиясига, Совет ҳукуматига сидқидилдан қайта-қайта раҳмат айтамиз. Коммунистик партиянинг ғамхўрлиги ва шонли ишчилар синфи билан яқин иттифоқи туфайли колхозчи деҳқонлар янги жамият қуришнинг қудратли кучига айландилар. Улар коммунизмнинг моддий-техника базасини вужудга келтиришга катта ҳисса қўшмоқдалар.

Ўзбекистон колхозчилари, барча қишлоқ хўжалик ходимлари севикли социалистик Ватанимизнинг янада гуллаб-яшнаши йўлида бундан буён ҳам фидокорона меҳнат қилаверамиз, деб партиямизнинг ленинча Марказий Комитетини, жонажон Совет ҳукуматини ишонтирадилар.

Яшасин коммунизмнинг шавкатли бинокори — улуғ совет халқи!

Совет социалистик давлатининг мустаҳкам негизи бўлган ишчилар синфи билан колхозчи деҳқонларнинг иттифоқи мустаҳкамланаверсин ва гуллаб-яшнайверсин!

Барча ғалабаларимизнинг илҳомчиси ва ташкилотчиси улуғ Ленин партиясига шон-шарафлар!



4-Давлат лойиҳалаш институтининг 2-қурилиш бўлими енгил саноат корхоналарининг лойиҳаларини тузиш устида иш олиб боради.

СУРАТДА: [чапдан ўнгга] бош инженерлар Светлана Тюрина ва Валентина Воробьевалар пойтахтимизда қурилаётган бадний каштачилик фабрикасининг бош планини муҳокама қилмоқдалар.

Л. Глауберзон фотоси.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

САВДО ПАЛАТАСИ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

ҚОҲИРА, 12 ноябрь. ТАСС мухбири С. Павинский хабар беради: 9 ноябрдан 12 ноябргача Бирлашган Араб Республикасининг пойтахтида Осиё ва Африка мамлакатлари иқтисодий ҳамкорлик ташкилотининг олтинчи конференцияси бўлиб ўтди.

Конференция ишида 40 мамлакат савдо — саноат палаталарининг вакиллари, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ва бошқа халқаро ташкилотларнинг вакиллари қатнашди. Ушбу конференцияда Ўзбекистон ССР савдо палатасидан палата президиумининг раиси Ж. Н. Илҳомова бошчилигидаги делегация ҳамда Арманистон ССР, савдо палатаси президиумининг раиси С. Р. Сафарян кузатувчи сифатида қатнашдилар.

Конференция қатнашчилари Ўзбекистон ССР савдо палатасини Осиё ва Африка мамлакатлари иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти аъзолигига бир овоздан қабул қилдилар.

УМУМ ЕВРОПА КЕНГАШИ ЎТКАЗИЛИШИ КЕРАК

ПАРИЖ, 12 ноябрь. (ТАСС). «Юманите» газетаси ўзининг бугунги сонида қуйидагиларни ёзади: Варшава шартномасида қатнашувчи социалистик давлатларнинг Европада, хавфсизлик ва ҳамкорлик масалалари юзасидан умум Европа кенгашини ўтказиш тўғрисидаги таклифи бизнинг қитъамиз олдида катта истиқболлар очиб беради. Кенгаш Европа қитъасида коллектив хавфсизлик ва ҳамкорликка эришиш йўлида силжиш бўлишига олиб келиши мумкин.

Газета ҳарбий блокларни тугатиб, унинг ўрнига коллектив хавфсизлик системасини барпо этиш, экономика, фан ва маданият соҳасида ҳамкорликни кенгайтириш зарур, деб ёзади.

Шимолий Атлантика пакти, деб таъкидлайди «Юманите» газетаси, Европадаги кескинликни юмшатиш ва чинакам Европа ҳамкорлигини ўрнатиш йўлида тўсган асосий тўсиқдир.

В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллиги олдидан

ЛЕНИНЧА МИЛЛИЙ СИЁСАТНИНГ МУҲИМ ҲУЖЖАТИ

РОССИЯ ХАЛҚЛАРИ ҲУҚУҚЛАРИ ДЕКЛАРАЦИЯСИНИНГ 52 ЙИЛЛИГИ

ИНСОНИЯТ тарихида янги замонни бошлаб берган Улуғ Октябрь социалистик революциясининг ғалабаси мамлакатимиздаги барча халқлар, элатлар ва миллатларнинг сиёсий ва иқтисодий ва маданий ҳаётида туб социал ўзгаришларни амалга ошириш, социалистик миллатларнинг қарор топиши ва равнақи учун барча зарур имкониятларни яратиб берди.

Кўпмиллатли мамлакатимизда Советлар ҳокимиятини мустаҳкамлаш ва такомиллаштириш кўп жиҳатдан миллий масалани тўғри ва илмий ҳал қилинишига боғлиқ эди. Шунинг учун ҳам Ленин тузган ва волга етказган Коммунистик партия миллий сиёсатни тўғри ўтказишга жуда катта эътибор бериб келди. Социал зулм билан бирга миллий зулмни ҳам тугатиш социалистик революциянинг энг муҳим ва кечиктириб бўлмайдиган вазифаси деб таълим берган эди В. И. Ленин.

Ленин бошлиқ совет ҳукумати миллий масала юзасидан қабул қилган дастлабки тарихий ҳужжатлардан бири 1917 йилнинг 15 ноябрида эълон қилинган «Россия халқлари ҳуқуқлари декларацияси» эди. Декларацияда партия ва ҳукумат ленинча миллий сиёсатининг асосий принциплари, яъни Россия халқларининг тенг ҳуқуқлилиги ва суверенлиги, уларнинг то ажралиб чиқиш ва мустақил давлат тузишга қадар ўз тақдирларини ўзлари белгилаш ҳуқуқлари, барча миллий ва миллий-диний имтиёзлар ҳамда чекламаларни бекор қилинганлиги, Россия территориясида яшаб турган ва миллий жиҳатдан озчиликни ташкил этган халқлар ва этник группаларнинг эркин ривожланиши каби принциплар эълон қилинди.

Коммунистик партия Россия халқларига ўз тақдирларини ўзлари белгилаш ҳуқуқини бериш билан бирга, социалистик революциянинг ғалабаси учун, социализм қуриш учун курашда барча миллатларнинг меҳнаткашлар оммасини пролетар интернационализми принципларига асосида жипслаштириш зарурлигини, бинобарин ўз тақдирларини ўзи белгилаш принципини социализм принципларига бўйсундирилиши лозимлигини тушунтириб берди.

«Чоризм даврида, — дейилади ҳужжатда — Россия халқлари бир-бирига қарши системали равишда гиж-гижланар эди. Бундай системанинг натижалари маълум: у бир томондан, қирғин ва ур-йиқитга ва иккинчи томондан қулликка олиб келар эди. Гиж-гижлашдан иборат бундай шармандали сиёсат энди такрорланмайди ва такрорланиши ҳам мумкин эмас. Бундан буён бу сиёсат Россия халқларининг ихтиёрий ва ҳалол иттифоқи сиёсати билан алмаштирилиши лозим.

В. И. Ленин Россия халқларининг давлат тузилишига жуда катта эътибор берди. Коммунистик партиянинг ленинча миллий сиёсати илгари эзилиб келган миллатларнинг кўп миллионли меҳнаткашлар оммасида совет ҳокимиятига бўлган зўр ишончни вужудга келтирди, Россиядаги барча халқларни жипслаштирди, кўпмиллатли социалистик давлатга асос солди.

«Биз миллатларнинг ихтиёрий иттифоқини, бир миллатнинг иккинчи миллат устидан ҳеч қандай зўрлигига йўл қўймайдиган иттифоқини истаймиз,— мутлақо тўла ишончга, қардошларча бирликни очиқ ва равшан тушуниб олишга, тўла ихтиёрлик асосидаги келишувга асосланадиган иттифоқни истаймиз деб таълим берган эди Ленин». (Асарлар, 30 том, 315 бет).

Коммунистик партиянинг миллий сиёсатни оғишмай амалга ошира бориши натижасида мамлакатимиз барча халқларини ихтиёрийлик ва интернационализм принципи асосида қардошларча бирлаштиришдан иборат кўпмиллатли Совет социалистик давлат тузуми, СССРнинг ташкил топиши жаҳоншумул тарихий аҳамиятга эга бўлди.

Шонли ленинчи Коммунистик партиянинг изчиллик билан миллий сиёсатни тўғри амалга ошириб борганлиги натижасида Ўзбекистон республикаси СССР халқларининг қардошлик оиласида тарихан қисқа вақт ичида мавжуд тенгсизлик ва қолоқликни тугатиб индустриал ривожланган саноатга, йирик социалистик қишлоқ хўжалигига ва юксак социалистик маданиятга эга бўлган илғор республикага айланди.

Шу йилнинг октябрь ойи охирига келганда республикада саноат корхонаси планлаштириш ва иқтисодий рағбатлантиришнинг янги системасига кўчирилди.

Социалистик республиканинг маданияти Совет ҳокимияти йилларида мисли кўрилмаган даражада юксалди. Революциядан олдин ёппасига саводсиз бўлган ўлкада, эндиликда 2 та университет, 39 та олий, 129 та ўрта махсус ўқув юрти, 130 та илмий текшириш институтлари, йирик фан маркази — Фанлари Академияси ишлаб турибди. Бу ленинча миллий сиёсатнинг энг буюк тантанасидир.

Жонажон Коммунистик партиямизнинг янги программасида, КПСС XXIII съезди қарорларида, мамлакатимиз халқ хўжалигини ривожлантиришнинг янги беш йиллик плани топшириқларида ҳар бир миллат ва халқнинг экономикаси ва маданиятини юксалтириш билан бирга улар ўртасидаги интернационал бирликнинг мустаҳкамлаш, бир-бирларига яқин лаштириш, ҳамкорлик, ҳамдўстлик, қардошликни мустаҳкамлаш кўзда тутилган.

Шундай қилиб мамлакатимиздаги барча халқлар ва миллатларнинг экономикаси ва маданиятнинг равнақи, уларни бир-бирига янада кўпроқ яқинлаштиради, жипслаштиради, келасида муҳим миллий тафовутларни йўқолиб кетиб, уларни қўшилиб кетишига, ягона коммунистик маданиятни қарор топишига олиб келади. Бу объектив процесс — коммунистик қурилишнинг қонуниятидир.

Ўзбекистон меҳнаткашлари мамлакатимиз халқларининг аҳил оиласида ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида эришаётган коммунизмнинг моддий-техника базасини яратиш ишига муносиб ҳисса қўшмоқда.

М. КАМОЛОВ,
тарих фанлари кандидати.



СУРАТДА: Тошкентдаги Марказий универсаль магазини тўқимачилик газмоллари бўлимининг хушмуомала сотувчиларидан Турсуной Мамарасулова ва Машҳура Тўхтаалиевалар.

И. Глауберзон фотоси.

● Маҳаллада кеча

БАХТНИ ҚАДРЛАНГ

КУЗНИНГ серфайз оқшоми. Айниқса бу оқшом Белинский номидаги маҳалла хотин-қизларига ўзгача латофат бахш этди. Аёллар, оналар, онахонлар уй-рўзғор ишларини тезроқ тугатишиб, маҳалла клубига ошиқишардик.

Маҳалла комиссиясининг раиси Аъзам ака Одилов ва маҳалла хотин-қизлари Советининг раиси Турсун опа Мажидовалар келганларни стол атрофига ўтказа бошладилар. Сиз бу ерда сочи қумушдек оқарган нуроний кекса оналаримизни ҳам, кўплаб фарзанд тарбиялаётган қақрамон оналарни ҳам, эндигина турмуш қурган ёш келинчакларни ҳам учратишингиз мумкин. Улар кўз нозу-неъматлари билан тўлиб тошган стол атрофида ўтиришиб, бир пиёла чой устида қизиқ-қизиқ ҳангомалар айтишишти...

Айниқса кекса ўқитувчи, пенсионер Маҳбуба ая Раҳимованинг сўзи барчага таъсир қилди. У ҳаммани ўтмиш тарихга етаклади:

— Марғилон билан Фарғонанинг ўртасида Ермозор деган жой бўларди. Шу ерда Сурмахон деган комсомол қиз яшарди. Бу қизни мулла, дин аҳллари кўра олмас эди. Унн таъқиб остига олдилар. Лекин Сурмахон курашдан воз кечмади. У илак тўқиш фабрикасида ишлаб, дугоналарини шу озодлик курашига чорлади. Ўз ниятига ета олмаган муллалар Сурмахоннинг сода эрини қўлга олдилар, хотинини ўлдиришга даъват этдилар. Ниҳоят, эри хийла билан унинг бўғизига пичоқ урадн. Сурмахон жон аччигида сой бўйига ночади, бўғизидан фонтандек қон отилади...

Бу воқеани ўз кўзимиз билан кўрган биз хотин-қизлар индамай қолмадик. Курашни янада кучайтирдик. Сурмахонларнинг сафи кенгайиб кетди...

Киров район партия комитети қошидаги хотин-қизлар Советининг бу ерда нагарн бўлган йиғилиши ҳам хотин-қизларда катта таассурот қолдирганди. Уларга доҳий ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақида қизиқарли суҳбат уюштирилганди. Маҳаллада бундай тадбирлар амалга оширилаётганлиги гоят катта аҳамиятга эгадир.

У. ЖАМОЛОВА.



Суратда: 153-қурилиш трестининг 1-қурилиш бошқармасига қарашли илғор комплекс қурилиш бригадаси бошлиғи таниқли бинокор, СССР Олий Советининг депутати Холхўжа Баҳодиров. Чорак асрдан буён шаҳримизда кўпгина замонавий қурилишларда баракали меҳнат қилган бу меҳнатсевар бинокор ҳозир шаҳарнинг Марказ—5 микрорайонида 80 квартирали турар-жой биносини қур моқдалар.

М. Нуриддинов фотолари.

● Бизга ёзадилар

ЭЛ ХИЗМАТИДА

4-турар-жой шаҳарчаси кун сайин ободонлашиб, гўзаллашиб бормоқда. Бу ерда янги турар-жойлар бунёдга келди. Кейинги икки йил ичида бир неча юзлаб оилалар янги уйларга кўчиб киришди. Шу билан бирга янги-янги савдо шохобчалари, маданий муассасалар ҳам қурилиб ишга туширилмоқда.

Рисовая кўчасидаги тўртинчи кварталда жойлашган 37- озиқ-овқат магазини шу кунларда харидорлар билан доимо гавжум.

— Магазин асосан гастроном типида бўлиб, аҳолига озиқ-овқат молларининг турли хилларини етказиб беришга мўлжалланган, — дейди магазин директори Ш. Иброҳимов. — Харидорларнинг талаби кундан-кунга ортиб бормоқда. Биз хизмат кўрсатаётган аҳолининг аксарияти Чкалов номидаги авиация заводида ишлашади. Уларнинг эрталаб вақтли ишга кетишларини ҳисобга олиб, навбат билан ишлайдиган филиал очдик. Филиалимиз кечқурун соат 9 гача ишлаб туради. Бундан ташқари тўртинчи кварталда яна бир филиал очганмиз.

Ҳозирги вақтда сабзавот ва полиз маҳсулотларига бўлган талаб зўр. Шунинг учун яқинда сабзавот билан савдо қилувчи янги дўкон ишга туширилди.

— Оржоникидзе районидаги Ленин номли ва «Маданият» колхозлари билан мустаҳкам алоқадамиз, — дейди Ш. Иброҳимов. — Истаган вақтимизда бориб, зарур маҳсулотларни келтирамиз. Бу биз учун ҳам, колхозлар учун ҳам яхши самара бермоқда.

Н. ТОЖИБОЕВ.

● Аҳолига қулайлик

ПОЙАФЗАЛ МАГАЗИНИ

Куни-кеча Навоий кўчасида яна бир пойафзал магазинининг эшиклари очилди. «Ташобувторг»га қарашли 17-янги магазинда арқаклар, аёллар ҳамда болаларнинг ҳар хил оёқ кийимлари сотилмоқда.

Магазин дастлабки кунлардаёқ 15 минг сўмлик савдо қилди. Унинг мудири Абдулла Ғафуров мухбиримизга бундай деди:

— Россия Федерациясининг Свердловск қурилиш-монтаж поезди коллективи қуриб берган бу магазин харидорларга манзур бўляпти.



А. Исроилов «Таштекистильмаш» заводида 26 йилдан бери ишлайди. У кунлик иш нормасини 150-160 процент адо этмоқда.

В. Ломовцев фотоси.

● Қолоқликдан илғорликка

ТАШАББУС САМАРАСИ

Смена тугаши билан комбинатдан чиқиш йўли одамлар билан гавжум бўлиб қолди.

— Лена! дугонасини чақирди тўқувчи Л. Ефремова. Маҳмудова одимини секинлатди.

— Нега бизнинг комплектга келмай қўйдинг?

— Шу кунларда чарчаяпман, — деди ёш тўқувчи.

— Келмаётгани нинг сабабини биламан. Рекорд қўймоқчисан-а. Кейин сенга етиб бўладими, дея ҳазиллашди Ефремова.

Ленанинг кўзи бир дақиқа порлаб кетди.

— Рекординг нимаси? Нормани амаллаасак ҳам жон кошки,— дея дугонасига ҳаммасини очиқ айтиб берди. Комплектлари ёмон ишлаётгани, машиналарга қаровни кишилар йўқлиги ва созловчилар кетмакет алмашиниб турилганлиги бутун смена ишини орқага тортаётганини айтди.

Шундан кейин улар анча жойгача жим боришди.

—Майли, жудаям куюнаверма. Мен ўзимизда ишлаётган йигитлар билан гаплашиб кўраман. Ёрдам берамиз.

Ефремова эртасигаёқ сўзининг устидан чиқди. Мастер ёрдамчилари С. Малинин билан В. Шуканов 46-комплект ишини қандай қилиб яхшилаш устида анча бош қотирдилар.

— Шу комплектга ўтиб ишласак қандай бўларкин,—деди дафъатан Сергей Георгиевич Малинин.

— Бутунлайми? — сўради ишнинг бу даражада жиддий тус олишига ҳали тўла ишонч ҳосил қилмаган Виктор.

— Бўлма с а ч и? Комплектимиз яхши ишлаб турибди. Қирқ олтинчини ҳам унга тенглаштирамиз. Сен нима дейсан?

— Албатта ҳа-да!

Иккови биргаликда цех бошлиғи хонасига киришди ва 46-комплектга ўтиш истакларини айтишди. Носов аввал ишонмай, ҳазил эмасми? дегандек уларга қаради. Гапимиз жиддий,— деди В. Шуканов.

Комплект ускуналарини тартибга келтириш ва уларнинг нормал ишлашига эришиш учун анча вақт сарфлашга тўғри келди. Энди 2-тикув фабрикасидаги 46-комплект бошқалар қатори яхши ишлай бошлади.

Бу ташаббусни қўллаб-қувватлаган Л. Ефремова ҳам энди дугонаси Л. Маҳмудова билан бир комплектда ишлаяпти. Л. Маҳмудова октябрь ойида 48 дастгоҳда ишлаб ойлик планини 110 процент бажарди. Унинг бундай кўрсаткичга эришишида тажрибали зарядкачи О. Колосова катта ёрдам берди. Колосова ёш тўқувчи ишини кузатиб борди, зарур бўлиб қолганда ўрнида туриб ишлади.

Бу дугоналар В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигини қўшимча маҳсулотлар ишлаб чиқариш билан кутиб олишга аҳд қилдилар.

Р. ГАБДУЛҲАҚОВ.



Тошкент электр монтаж асбоблари заводи мамлакатимиз халқ хўжалиги учун кўплаб турли хил электр асбобларини ишлаб чиқармоқда.

Суратда: завод бош йиғув цехининг пешқадам йиғувчи слесарн В. Лешчинский навбатдаги электр шчитнинг монтаж қилаётир.

● Корхоналар бир меъёрда ишласин

Эзгу ният йўлида

Завод цехларида иш бир маромда бормоқда. Ишчиларнинг кўтаринкилик билан меҳнат қилаётганликларини ҳар қадамда кўриш мумкин. Бунинг боиси равшан, албатта. Улар доҳиимиз В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллиги юбилейига муносиб меҳнат армуғони тайёрлаш иштиёқида курашмоқдалар. Корхона ишчилари бу соҳада Москва ва Ленинград корхоналари коллективларининг ташаббусига қўшилиб, пландан ташқари бу йил 100 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга қатъий сўз беришган. Беш йиллик топшириқни 1970 йилнинг 7 ноябригача бажаришга аҳд қилишган.

Шу мақсадда корхонада ўзаро социалистик мусобақа ҳар томонлама кучайтирилмоқда. Ленинча беш йиллик зарбдорлари ва бригадалари ой сайин кўпаймоқда. Ҳозир 140 коммунистик бригадаси, 378 зарбдор бор. 207 ишчи Ленин юбилейига шахсий меҳнат совғалари тайёрламоқда. 1440 ишчи эса нуқсонсиз маҳсулот ишлаб чиқариш шиори остида барчага намуна кўрсатмоқда. 10 бригада ленинча беш йиллик коллектив номини олиш учун курашяпти. Хуллас, беш йилликнинг тўртинчи йилини баракали якунлаш учун ҳаракат кучайиб бормоқда.

Пойтахтимиздаги Октябрь революцияси номидаги тепловоз-вагон ремонти заводи коллективининг бугунги гайрат-шижоати ана шундай. Улар қиш мавсумига ҳам алоҳида тайёргарлик кўрмоқдалар. Завод ҳовлисида бўлсангиз бунга яққол ишонч ҳосил қиласиз. Шуниси қувончлики, завод коллективи қишга хозирлик билан боғлиқ барча ишларни қурилиш ташкилотлари ёрдамисиз, ўз кучи билан бажараяпти. Бу ҳақда корхона бош инженери Иван Александрович Бобров батафсил гапириб берди.

— Бултур қиш оғир келиб,— деди у сўзбатда,— бизни анча шошириб қўйган эди. Кўпгина ускуналар мўзлаб қолган, водопровод, иситиш воситалари ишида ҳам қийинчиликлар содир бўлган эди. Бу йил ана шу мушкулларни олдини олишга интиляпмиз. Бу масала йиғилишда кенг муҳокама қилиниб, конкрет тадбирлар белгиланди. Натижада барча чоратадбирлар планли равишда амалга оширила бошланди.

Қиш мавсумига тайёргарлик кўришда корхонамизнинг энергетика цехи бошлиги ўринбосари Анатолий Архипов айниқса астойдил бош қўшмоқда. Ҳозиргача кўпгина цехларнинг томлари ремонт қилинди. Цехларга кўтара, ёруғ ойналар ўрнатилди.

Асосий диққат водопровод, канализация ва иситиш воситалари ремонтига қаратилмоқда.

Дарвоқе, Иван Александрович ҳиков қилгандай корхонада қишга ҳозирлик ишлаб чиқаришга халақит берган ҳолда ўз йўсинида олиб бориляпти. Бу ишга асосан икки цех ишчилари кўмаклашмоқдалар. Энергетика цехи ва ўртоқ А. Ширяев бошчилик қилаётган ремонт-қурилиш цехи коллективи ана шу масъулиятли вазифани адо этмоқда. 16 та ишлаб чиқариш цехи ва маданий-маиший хоналар ремонтини сифатли тугаллаш улар зиммасида.

Биз ўртоқ Бобров билан суҳбатлашиб бораётганимизда завод касаба союз комитетининг секретари Полина Бурцевага дуч келдик. У суҳбатимиз мавзуидан хабардор бўлгач, шундай қўшимча қилди:

— Болалар комбинати ва боғчаларини айтмайсизми? Ахир, қишга тайёргарликни бусиз тасаввур қилиб бўладими? 75 болалар комбинати аллақачон сифатли ремонтдан чиқарилиб тахт қилиб қўйилди. 34-болалар комбинати ҳам яқинда қўлдан чиқарилди. 70-боғча ҳам тайёр. Хуллас, ишчиларимиз фарзандлари тарбиясидан кўнгилларн тўқ.

Корхонани айланар эканмиз, ремонт қурилиш ишларидан беҳад хурсанд бўлдик. Ишчилар қўлни-қўлга бериб, аҳил ва қувноқ меҳнат қилишарди.

— Ишлаб чиқаришни қиш мавсумида ҳам бир зум бўлсада бўшаштирмаслик, ой ва йил бошидаги штурмчиликка йўл қўймай, маҳсулотни бир маромда ишлаб чиқариш — асосий бурчимиз,— дейди сўзини тугатиб корхона бош инженери.

Ҳа, доҳиймиз юбилейи нишонланадиган йилнинг дастлабки кунлариданоқ ишлаб чиқариш суръатини ошириш, улуғ санага муносиб ютуқлар билан бориш — корхона меҳнатсеварларининг эзгу тилаги. Бу тилак ишчи билакларига куч-қувват бахш этмоқда.

И. ҲАМИДОВ.

ЖОНАЖОН Ватан бўлаб

Ўрта Осиё қурилишларига

ИСФАРА. (Тожикистон ССР). Исфарада қурила бошлаган бинокорлик материаллари комбинати Шимолий Тожикистон, Ўзбекистон ва Қозоғистон янги қурилишларининг «иштаҳаларини» қондиради.

Комбинат йилига юз минг тоннадан зиёд гипс ҳамда Ўрта Осиёнинг цемент корхоналари учун тўрт юз минг куб метр шағал тайёрлаб беради. Бу ерда керамик плиталар ва оҳак тайёрлаш ҳам мўлжалланмоқда. (ТАСС).

ВЕТЕРАНЛАР БИЛАН СУҲБАТ

ВОЛГОГРАД. Область заводлари, қурилишлари, колхоз ва совхозларида бу йил В. И. Ленининг ҳаёти ва революцион фаолияти тўғрисида қирқ мингта лекция ўқилди. Лекторлар орасида Владимир Ильични кўриш ёки унинг сўзларини тинглаш бахтига мушарраф бўлган коммунистик партия ветеранларидан Е. Г. Вагнер, А. Н. Осечкин, Г. Т. Прокофьев, К. М. Сахаров ва бошқалар бор эди.

Волгограднинг беш юздан ортиқ лектори, асосан политехника, педагогика, қишлоқ хўжалиги, медицина институтларида ва бошқа институтларнинг ижтимоий фанлар муаллимлари қишлоқ жойларга бориб «Ленин — КПССнинг ташкилотчиси ва раҳбари», «Коммунистик партия стратегияси ва тактикасининг Ленинча принциплари» деган мавзуларда лекция ўқидилар.

(ТАСС мухбири).

ЯНГИ ПОЧТА МАРКАЛАРИ



МОСКВА. СССР алоқа министрлиги «Союз 6», «Союз-7» ва «Союз-8» космик кемаларининг парвозига бағишланган почта маркаларини чиқарди.

СУРАТДА: маркалардан намуналар. (ТАСС фотохроникаси).

●ТАРБИЯ МАВЗУСИДА

Фарзандим — асал-қандим

Ҳар бир ота-она фарзандини мактабда ўқитаркан, ширин орзу-умидлар қилади, унинг яхши ўқиши учун ҳамма шарт-шароитларни яратиб беради: ювиб-тарайди, овқатлантиради, кийинтиради, мактабга бориб-келишини назорат қилади.

«Нима қилсам болам яхши ўқиркин?» «Нима қилсам соғ-саломат ва дуркин ўсаркин?» Бу — ҳар бир ота-онани ўйлантирадиган савол.

Шуни айтиш керакки, боланинг яхши ўқиши, соғ-саломат ва ақлидрокли бўлиши кўп жиҳатдан, ота-онанинг берадиган тарбиясига боғлиқдир.

Бола тўғри ташкил этилган кун тартибига риоя қилиши катта аҳамиятга эга. Белгиланган вақтда овқатланиш, дарс тайёрлаш сайр қилиши, ҳордиқ чиқаришни тўғрисида гапирмаса ҳам бўлади.

Ҳар куни эрталаб бола ўз кўрпа-тўшагини йиғиши, гимнастика машқларини бажариши, ювиниши, хона ҳавосини янгилашига алоҳида эътибор беринг. Ана шу юмушларни бажаргандан сўнг нонуштага ўтириш нечоғлик роҳат бағишлайди ишига.

Эрталабки нонуштада болага кунлик овқат рационининг тўртдан бир қисми берилса, мақсадга мувофиқ бўлади. Нонушта қилмасдан болани мактабга юбормаслик лозим. Акс ҳолда, бу, бола организмини заифлашишига сабаб бўлади.

Бола мактабга дарс бошланишидан ўн-ўн беш минут олдин етиб борсин. Эрталабки яёв юришлик болага тетиклик ҳадя этишини ҳеч қачон унутмаслик керак.

Баъзи ота-оналар боласи мактабдан қайтиб келгач, дарс тайёрла, деб мажбур қилишади, бунга йўл қўймаслик керак. Чунки бу ҳол бола соғлигига салбий таъсир кўрсатади. Уйга қайтиш билан бола овқатланиши зарур. Бир соат чамаси ухлаб олса, нур устига аъло нур бўлади. Айниқса, биринчи синфда ўқийдиган боланинг кундузи ухлаши жуда ҳам фойдали. Кундузги уйқудан кейин озгина сайр қилиши, ундан кейин эса уй вазифасини бажаришга киришгани яхши.

Бола дарс тайёрлайдиган хона озода, ҳавоси оромбахш бўлишига эътибор беринг. Айрим уй бекалари қиш кунлари дераза дарчасини очишга чўчийдилар. Бу мутлақо нотўғри. Оила аъзоларига бола турган хонадонда чекишга асти йўл қўйманг. Тамаки заҳари бола саломатлигига ёмон таъсир кўрсатади.

Бола уй вазифасини тайёрлашга киришганда хонада тинчлик бўлсин. Боланинг дарс тайёрлаши учун махсус жой ажратиб бериш ғоят муҳимдир.

Уй вазифалари тайёрланадиган стол деразага яқинроқ қўйилиши шарт. Чунки ёруғлик равшан тушиб турсин. Уй вазифаларини кечқурун тайёрлашга тўғри келиб қолса, стол чироғини боланинг чап томонига қўйиб беринг. Кўзга нур таъсир қилмаслиги учун чироққа ёпқични кийдириб қўйишни унутманг.

Бола столга энгашиб ёзиши ёки китобни кўзига яқин келтириб ўқишига йўл қўйманг. Китобни кўздан 30-35 сантиметр узоқликда тўғри тутиб ўқилса, мақсадга мувофиқдир. Етиб олиб китоб ўқиш эса тамоман зарарлидир.

Ниҳоят, телевизор ҳақида икки оғиз сўз. Болалар учун ҳафтасига икки-уч марта берилаётган эшиттиришларни томоша қилишлари ўқувчиларга етарли деб ўйлаймиз. Эшиттиришларни кўраётганда болага қулай шароит яратиб бериш мақсул. Телевизор орқасига гира-шира ёнадиган лампочка қўйиш тавсия этилади. Томошабиндан телевизоргача бўлган масофа энг ками билан икки метрдан 4 метргача бўлиши мумкин.

Болаларни уйда турли-туман ишларни бажаришга ўргатиш тўғрисида алоҳида ўйлаб кўриш керак. Чунончи, уйнинг полини тозалаш, столни овқатланиш учун тайёрлаш, гулларни парваришлаш каби ишларни бажаришни ўрганиб олишса, ёмон бўлмасди, албатта. Ёши ўн тўртга етган ўқувчиларга бутун хонани артиб чиқиш, уй ҳайвонларини боқиш, экинларни парваришлашни ишониб топшириса бўлаверади.

Юқорида айтиб ўтилганларнинг ўқувчи томонидан бажарилиши унда меҳнатга муҳаббат билан қараш, интизомлилик, ўз олдига қўйган мақсадга эришиш каби инсоний фазилатларнинг шаклланишига ёрдам беради. Энг муҳими жисмоний меҳнат бола соғлигини яхшилайди. Шунинг учун ҳам боланинг ёши ва бошқа хусусиятларига қараб, унинг кунлик режимида ҳар хил фойдали ишлар ўрин олиши айни муддао бўлади. Зеро, фарзандимиз — асал-қандимиз, у баркамол ўсиши керак.

Н. А. КРОВЧЕНКО,
Республика санитария маорифи уйининг врачи.

5



«Ташхозкультторг»нинг Карл Маркс кўчасидаги 55-магазини шаҳаримиз меҳнаткашларига намунали савдо хизмати кўрсатмоқда. Бу ерда аҳолига қарз тариқасида телевизор, радиоприёмник, тикув машиналари сотиш яхши йўлга қўйилган.

Ҳозир бу магазинда рангли телевизорлар сотила бошланди.

СУРАТДА: радио-телевизорлар бўлимининг катта сотувчиси В. Орлов харидорларга «Рекорд-102» рангли телевизорни бўйича изоҳ бермоқда.

М. Нуриддинов фотоси.

ЁШЛАР ИЖОДИДАН

ҚАЛАМ

Доҳий музейида турар бир қалам,
Ленининг ўзидек оддий ва содда.
Бағрида яшринган бир бахтли олам.
Бир боқсанг у мангу қолади ёдда.
Доҳийнинг ўзидек оддий бу қалам.
Зеҳнимни тортади нақ меҳригиё.
Бенхтиёр бўлди киприкларим нам.
Ўйладим қаламга боққанча қиё:
...Жамолини қилиб оламга кўз-кўз,
Мирзачўлим бўлди қаршимда пайдо.
Боғларки, мадҳига тополмайсан сўз.
Кўрганлар бир умр бўлади шайдо.
Қалам-ла Декретга қўл қўяр чоғи
Доҳий кўрди чўлнинг порлоқ иқболин.
Қаламдан узмасдан ўткир нигоҳим,
Бу ерда бир ўзим қолибман ҳоли...
Улуғ зот қўллари теккан, эй қалам,
Хокисор эрсанг ҳам мен бўлдим мафтун.
Кўксимда сен берган шодлик бир олам,
Сенда сездим доҳий қалбининг тафтин.
Ленин музейида турар бир қалам,
Бағрида пинҳондир бир бахтли олам.

Кенжа ҲАМРО.

СУВОРИЙ

Жонон пиёлада чайқалди қимиз,
Симирдим—кўк чойнинг тутиб хумори.
Қани қуй, қозоқнинг ҳеч сулуф қизи,
Қимизингга қонсин чанқоқ суворий...
Ўтовинг туйнугин очиб қўйгил сал,
Бир пас ўтовингда ростлайин нафас.
Қолгил деб қистама, қистама гўзал,
Мен тунаб қолгувчи суворий эмас.
Ахир, ўтроқ қолиш-кўнган жойида
Кузаги малларанг япроқлар ишн....
Ахир, Шарофатим сузган чойига —
Термулиб, кутади тиқ этса эшик.
Унда йўлларимга илҳақ, кутади —
Чойхонада палов дамлаб дўстларим.
Йўлим олис, хайр, сайрим тугади,
Бахмал диёрмининг васлин қумсадим.
Жонон пиёлада чайқалди қимиз,
Симирдим—кўк чойнинг тутиб хумори.
Қани қуй, сўнгги бор, ҳеч қозоқ қизи,
Қимизингга қонсин чанқоқ суворий...

ОТАЁР.

ПЛАНЕТАМИЗ ЯНГИЛИКЛАРИ

ЛЕНИН ЮБИЛЕЙИ ОЛДИДАН

СОФИЯ. Болгариянинг ҳамма округларида В. И. Ленин туғилган куннинг 100 йиллигини байрам қилиш тайёргарлиги кўрилмоқда. Бу тайёргарликда маданият ходимлари кенг равишда қатнашмоқда.

Толбухин округидаги 150 та болалар ва ўсмирлар кутубхоналарида В. И. Ленин ҳақида китоблар кўргазмаси ташкил этилмоқда. «В. И. Ленин — назариётчи ва файласуф» деган мавзуда катта кеча ўтказишга тайёргарлик кўрилмоқда.

Ловеч шаҳридаги маданият арбоблари клуби «Санъатда В. И. Ленин образи» деган илмий сессия тайёрлади. Видинский округида ўтказилаётган «Ленин жумаликларида» В. И. Ленин тўғрисида, Ленин гояларининг Болгариядаги тантанаси ҳақида докладлар ва суҳбатлар қилинмоқда.

Варна шаҳри ва округининг жамоатчилиги «В. И. Ленин ва маданият» деган мавзуда ўтказилаётган кечаларда актив қатнашмоқда.

(ТАСС).

ЯНГИ ҲУКУМАТ ТУЗИЛДИ

ЛОНДОН. Рейтер агентлиги мухбири Канберрадан хабар беради: Австралия Бош министри Жон Гортон янги ҳукумат тузилганлигини эълон қилди. Якинда бўлиб ўтган парламент сайлови муносабати билан аввалги ҳукумат тарқатиб юборилган эди. Бу сайлов натижасида ҳукмрон либерал ва аграр партияларининг коалицияси вакиллар палатасида бор-йўғи еттита кўпчилик ўрин олган эди.

Жон Гортон яна либерал партиянинг раҳбари қилиб сайлангандан сўнг, ўз-ўзидан Бош министр лавозимини эгаллади.

Мақмагон янги ҳукуматда ташқи ишлар министри бўлди. Буғача у, молия министри лавозимида эди.

(ТАСС).

ТУҒИЛИШ ВА ЎЛИМ

БМТнинг ҳар йилда бир чиқадиган демографик журналида айтилишича, Африка аҳолиси 1967 йилда 328 миллион кишини ташкил этган.

Энг кўп туғилиш қуйидаги мамлакатларда қайд қилинган. Ҳар минг киши ҳисобига Гвинея-да 62, Малида 61, Фил суяги соҳили — 56,1, Того — 55, Дагомея — 54, Нигерия —53-57. Юқори Вольта — 53, Нигер ва Руанда — 52, Судан — 51.7, Кенияда — 50.

Болалар ўлими айниқса Габонда кўпроқдир. Бу ерда янги туғилган ҳар минг болалардан 229 таси, Гвинеяда 216 таси, Нигерда — 200 таси, Марказий Африка Республикаси ва Танзаниякада 190 таси, Мавританияда 187 таси, Юқори Вольтада 182 таси, Лесотода 181 таси, Конго (Браззавил) да 180 таси, Уганда ва Чад Республикасида 160 таси, Занжибарда 157 таси, Ганада 156 таси, Бурундида 150 таси ўлиб кетади.

Осиё аҳолисининг йиллик ўсиши 2 процентдан 3,8 процентгача бўлмоқда. Шу юз йиллик охирига бориб Осиё аҳолиси 3100 миллион кишига етади ва дуиё аҳолисининг 60 процентини ташкил этади.

(«Азия и Африка сегодня» журналидан).



БИРМА. Буддистларнинг афсонавий тош соқчилари.

Н. Новиков фотоси. ТАСС фотохроникаси.

ҲИНД ОЛИМИНИНГ ТАДҚИҚОТИ

ДЕХЛИ. ТАСС мухбири В. Байков хабар беради:

В. И. Ленининг Ҳиндистон тўғрисида айтганларини тўплаган ва системага солган ҳинд олими Чиммохан Сеханавис ўз тадқиқотини «Ленин ва Ҳиндистон» деб атади. Калькуттадаги «Маниша Граитхалайя» нашриёти бу асарни алоҳида брошюра қилиб нашр этди ва уни Совет давлати асосчиси туғилган кунининг 100 йиллигига бағишлади.

Мамлакат жамоатчилиги ҳинд олимининг тадқиқотини зўр қизиқиш билан кутиб олди. Шу муносабат билан «Мейнстрим» журнали бундай деб ёзади: «Ленин тарихда энг улуғ инсон бўлган эди. Диққатга сазовор бирор воқеа ҳам унинг назар-эътиборидан четда қолмаган. Шунинг учун ҳам у ҳинд халқининг озодлик учун олиб борган кураши тарихини Европада ҳаммадан яхшироқ билган. В. Н. Ленининг Ҳиндистон тўғрисидаги фикрлари ҳозирги кунларда ҳам ўз қимматини йўқотгани йўқ. Шунинг учун ҳам «Ленин ва Ҳиндистон» брошюрасининг нашр этилиши катта аҳамиятга эга».

ҚЎШМА МУДОФАА КЕНГАШИНИНГ БАЁНОТИ

ҚОҲИРА. Бу ерда араб мамлакатлари Иттифоқи қўшма мудофаа Кенгаши ўз ишини тамомлади. Якунловчи мажлисда қабул қилинган баёнотда кенгаш араб мамлакатларининг Исроил агрессияси оқибатларини тугатиш учун курашга барча сиёсий, иқтисодий ва ҳарбий куч-қувватларини бирлаштириш ғоят зарурлигини таъкидлади.

Қўшма мудофаа Кенгаши дейилади сўнгра баёнотда, Яқин Шарқдаги танглиқда «Қўшма Штатларнинг тутган позициясини муҳокама қилиб, «АҚШнинг Исроилга бутун чоралар билан бераётган мадади араб миллатига қарши агрессия ҳаракати бўлиб, арабларнинг озодлик ва тараққиёт сари интилишига қарши қаратилган, деган хулосага келди».

Баёнотда Кенгаш шу йилнинг декабрь ойи ўрталарида Работ шаҳрида араб давлатлари бошлиқларининг кенгашини чақириш тўғрисида қарор қабул қилганлиги ҳам айтилади.

Баёнотни ўқиб берган Судан ташқи ишлар министри Фарук Абу Исо қўшма мудофаа Кенгашининг мажлислари дўстлик ва саммий ҳамкорлик руҳида ўтганлигини таъкидлади.

(ТАСС).

ЗЎРАВОНЛИККА БЕРИЛГАН ЖАВОБ

Бургосдаги ҳарбий трибунал баск ватанпарвари Антонио Арисабалага устидан чиқарган қаттиқ ҳукм бутун Испанияда ғазаб уйғотди. Норозилик иш ташлашлари бутун Астурияни ва Гипускоа вилоятини, мамлакатнинг марказий районларини эгаллади. Арисабалага устидан чиқарилган ҳукмни бекор қилинишини талаб қилувчи манифестациялар Мадридда, Сан-Себастьянада, Барселонда ва Испаниянинг бошқа шаҳарларида бўляпти. Коммунистик партия жаҳон жамоатчилигини полиция репрессияларига қарши норозилик билдиришга чақирди.

Бургосда чиқарилган ҳукмга испан халқи кўрсатган таъсир миллион-миллион антифранкочилар ўртасида кучайиб бораётган қаршиликнинг куч-қудратидан далолат беради. Ахир, фашист суди Антонио Арисабалага устидан чиқарган ҳукм, фақат мана шу ёш ватанпарварга қаратилган эмасда. У Испаниядаги, хусусан, Эускада — баск-лар ватанидаги демократик ҳаракатни чўчитишга даъват этилган эди.

Пиренейск ярим оролининг тоғли шимолида жойлашган бу районда ўзининг испан миллатига мансуб эканлигини инкор қилмасдан, айни вақтда қонуний ҳуқуқлари— тили, маданияти, маҳаллий расм-русмларини тан олинишини талаб қилаётган халқ яшайди.

Франко диктатураси граждандар уруши даврида ҳам шунингдек, ундан кейин ҳам баск-ларни қаттиқ репрессия қилди. Эндиликда улар фақат ўзларининг миллий талаблари учун курашаётганлари йўқ. Улар прогрессив ва демократик кайфиятдадирлар.

Франко ҳукмдорларининг мардонаворлиги ва қатъиятлиги билан танилган бўйсунмас баскларга қарши зўравонлиги айниқса, кейинги йилларда кучайиб боряпти. Ўтган йили — яъни Испанияда фавқулодда тадбирлар кўрилмасдан анча аввал — Эускадада қамал ҳолати эълон қилинган эди. Аслида у ҳозир ҳам давом этяпти.

Баскларнинг фашист ҳокимиятига қарши кураши кундан-кунга кучайиб бораётганлиги сабабли шундай зўравонлик қилинган эди. Бу ҳаракатни Испаниянинг бутун прогрессив кучлари шу жумладан, унинг жанговар авангарди коммунистик партия кенг қўллаб-қувватлаяпти.

Франко режимига қарши курашаётган баск миллий ташкилотлари орасида Эускада озодлиги курашчилари Ассоциацияси (ЭТА) кўзга кўринарли ўринни эгаллайди. Антонио Арисабалага мана шу Ассоциациянинг активистларидан биридир. Франко суди бу ватанпарварни шу йилнинг апрель ойида полицияга қарши террорда иштирок этди деб айблади ва уни «бандитизм» ва «ҳарбий исён» қатнашчиси сифатида жазолади.

Бу айбнома сохта ва бўлмағурдир. Арисабалага ҳатто бу айбномани инкор қилиб ўтиришни ҳам лозим топмади. У судда унга оналтилида — яъни баск тилида гапиришга рухсат берилишини талаб қилди. Судьялар бундан бош тортишди. Шундан кейин ёш антифранкочи суд охиригача бирон сўз ҳам айтмади. У ҳатто суд унга ўлим жазоси бериш ҳақидаги ҳукмини ўқиганда ҳам лом-лим демади.

Суд бораётган пайтда эса Антонио Арисабалаганинг туғилган шаҳри Ондарроада унинг жасур ҳамшаҳарлари норозилик намойиши ўтказишди. Полиция уларга қарши ўқ узди. Лекин бу намойишчиларни қўрқитмади.

Сўнгги маълумотларга қараганда баск ватанпарвари билан бирдамлик ҳаракати Испаниянинг бошқа шаҳарларини ва районларига ҳам ёйилди. Бу норозиликлар ўз таъсирини кўрсатди: Арисабалагага берилган ўлим жазоси бир умрлик қамоқ билан алмаштирилди. Лекин испаниялик демократлар бу жазони баск ватанпарварининг қисматини ҳеч бир яхшиламаслигини таъкидламоқдалар. Бирдамлик ҳаракати тўхтамайди.

Бу ҳамма жўшқин воқеалар Франко ҳукуматининг қаттиқ кризиси фонида рўй бераяпти. Бу кризис 29 октябрда Испания министрлар кабинетида катта ўзгаришлар бўлишига олиб келди. Халқаро шарҳловчилар таъкидлашига қараганда, бу ўзгариш диктаторлик режими ҳукм сурган 30 йил мобайнида рўй берган энг сезиларли ўзгаришдир. Кейинги йилларда мамлакатнинг ички ва ташқи ҳаётида кўзга кўринарли роль ўйнаган кўпгина министрлар ҳукуматдан чиқарилдилар. Жумладан, Испания демократларига қарши репрессия тадбирлари кўришда ишбоши бўлган ички ишлар министри Алансо Вега ҳам ҳукуматдан чиқарилди.

Арисабалага устидан чиқарилган ҳукм ва Франко кабинетининг қайта тузилиши — бу икки воқеа бир-бири билан қанчалик алоқадор эканлигини ҳозирча айтиш қийин. Лекин улар ўртасида бевосита алоқа бор. Ҳар иккала воқеа ҳам ҳозир Франко диктатурасини титратаётган кескин сиёсий-социал кризис натижасида рўй беряпти.

Хуан КОБО,
(АПН).

УМУМЕВРОПА КЕНГАШИ ЎТКАЗИЛИШИ КЕРАК

ПАРИЖ. (ТАСС). «Юманите» газетаси ўзининг сонида қуйидагиларни ёзади: Варшава шартномасида қатнашувчи социалистик давлатларнинг Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик масалалари юзасидан Умумевропа кенгашини ўтказиш тўғрисидаги таклифи Бизнинг қитъамиз олдида катта истиқболлар очиб беради. Кенгаш Европа қитъасида коллектив хавфсизлик ва ҳамкорликка эришиш йўлида силжиш бўлишига олиб келиши мумкин.

Газета ҳарбий блокларни тугатиш, унинг ўрнига коллектив хавфсизлик системасини барпо этиш, экономика, фан ва маданият соҳасида ҳамкорликни кенгайтириш зарур, деб ёзади.

Шимолий Атлантика пакти деб таъкидлайди «Юманите» газетаси, Европадаги кескинликни юмшатиш ва чинакам Европа ҳамкорлигини ўрнатиш йўлида турган асосий тўсдир.

ҲАВО ЖАНГИ

ҚОҲИРА. Бирлашган Араб Республикасининг осмон чегарасини бузиб кирган Исроилнинг ҳаво қароқчилари қатъий зарбага учради.

БАР қуролли кучлари қўмондонлиги вакилининг маълум қилишича, 11 ноябрь куни Исроилнинг Сувайш шаҳридан жанубдаги Миср позицияларига ҳужум қилмоқчи бўлиб учирган 12 самолётини Мисрнинг қирувчи самолётлари тўсиб чиқиб, иккитасини уриб туширган. Бир самолёт Сувайш қўлтиғига қулаб тушган, аланга олган иккинчиси эса қўлтиғининг шарқий соҳилига қулаган.

(ТАСС).

КУРАШАЁТГАН ВЬЕТНАМ БИЛАН БИРДАМЛИК

НЬЮ-ЙОРК. Хьюстон (Техас штати) кўчаларй бўйлаб ўтган тинчлик маршида салкам 2000 киши қатнашди. Бу марш-дан кейин митинг бўлди. АҚШнинг Вьетнамдаги агрессиясига қарши чиққан дастлабки америкаликлардан бири, собиқ ҳарбий врач ва Вьетнамда ҳаракат қилувчи «яшил беретлилар» деб аталмиш Америка диверсантларини ўқитишдан бўйин товлаганлиги учун 1967 йилда ҳарбий трибунал жазосини олган доктор Говард Левн сўзга чиқиб. АҚШ ҳукуматининг Вьетнамда тутаётган сиёсати «мунофиқона сиёсатдир», деди. Г. Леви урушни тезроқ тўхтатишга даъват этди.



КАМЕРУН. Баменда шаҳридаги мактаб ўқувчилари.

В. Корочанцев фотоси. ТАСС фотохроникаси.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош ассамблеясида

НЬЮ-ЙОРК. Бош ассамблея Хитой Халқ Республикасининг Бирлашган Миллатлар Ташкилотидаги қонуний ҳуқуқларини қайта тиклаш масаласини муҳокама қилиб бўлди. Муҳокама тамом бўлганидан кейин Хитой резолюция лойиҳаси овозга қўйилди. Шу лойиҳалардан бирида Хитой Халқ Республикасининг Бирлашган Миллатлар Ташкилотидаги қонуний ҳуқуқларини қайта тиклаш ва у ердан чанкайшичиларни ҳайдаб чиқариш кўзда тутилади. Бу лойиҳа ривожланаётган 14 мамлакатнинг ва шунингдек Руминия, Куба ва Албаниянинг делегациялари томонидан киритилган эди.

Резолюция лойиҳасининг иккинчисини киритган делегациялар — АҚШ, Япония, Австралия, Янги Зеландия ва уларни қувватловчи бир қанча мамлакатларнинг делегацияларидан иборат бўлди. Бу лойиҳа Хитой Халқ Республикасини Бирлашган Миллатлар Ташкилотидаги ўзининг қонуний ўрнини олиш имкониятидан маҳрум этишни кўзда тутади. Бош ассамблея ғарб мамлакатлари киритган резолюцияни кўпчилик 71 овоз билан маъқуллади. 48 делегация қарши чиқди, 4 делегация бетараф қолди. Ривожланаётган 14 мамлакатнинг, шунингдек Руминия, Куба ва Албаниянинг резолюция лойиҳасини ёқлаб 48 овоз, бу лойиҳага қарши 56 овоз берилди. 21 делегация бетараф қолди.

(ТАСС).

УЙ-ЖОЙ ҚИЙИНЧИЛИГИ

САН-ХОСЕ. Коста-Рика соғлиқни сақлаш министрлигининг расмий ахборотида айтилишича, мамлакат аҳолисининг 70 процентга яқини одамзод турмуши мумкин бўлмаган ва санитария қоидаларига хилоф бўлган уй-жойларда яшамоқда. Кўпгина юқумли касалликларнинг, айниқса мева-ичак касалликларининг тарқалишига ҳам мана шу аҳвол сабаб бўлмоқда, дейилади мазкур расмий хабарда. Бу касалликлар билан айниқса болалар кўпроқ оғримоқда. Шу касалликлар билан оғриган ҳар 100 боладан 74 таси 5 ёшга етмай нобуд бўлмоқда.

(ТАСС).

Футбол бўйича республика биринчилиги

ФИНАЛЧИЛАР АНИҚЛАНДИ

Футбол бўйича мамлакат биринчилигининг совриндорлари аниқланган бир пайтда республика чемпиони унвони учун курашувчи командалар яна бир неча кундан сўнг ҳал қилувчи беллашувга чиқадилар. Шу муносабат билан биз республика футбол федерациясининг бош тренери Ботир ИБРОҲИМОВДАН бу йилги Ўзбекистон биринчилигининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида сўзлаб беришни илтимос қилдик.

— Республикам и з футбол биринчилигини такомиллаштириш устида кўп йиллардан бери ўйлаб келардик. Чунки бизда сон кетидан қувиб, сифатни иккинчи планга тушириб қўйиш ҳоллари ҳам бўлди. Натижада айрим командалар «А» ва «Б» класс командалари учун тайёрлов базаси бўлиб хизмат қилмай, балки ўз сафларини ана шу командалардан турли сабабларга кўра кетиб қолган футболчилар билан тўлдиришга ҳаракат қилдилар. Бу ҳолга тезда чек қўйиш керак эди. Шу туфайли бу йил республика чемпионатида қатнашувчи командалар сонини қисқартирдик.

Агар ўтган йили 27 команда уч кичик группада финалда қатнашувчи 6 команда қаторидан ўрин олиш учун курашган бўлса, бу йилги биринчиликда 18 команда иштирок этаётир. Дастлабки босқич ўйинлари икки кичик группада ўтказилди. Ҳар бир группадан учтадан команда финалга чиқди.

Биринчи кичик группада финалга чиқиш учун Учқудуқнинг «Сокол», Оққўрғоннинг «Оққўрғон», Жиззах уйсозлик комбинати «Қаршистрой», Урганчнинг «Факел», Тошкентнинг «Звезда», Тошкент областининг «Шахтёр», Нукуснинг «Буревестник» ва Сурхондарё областининг «Денов» командалари кураш олиб бордилар. Бу шарафга ўйинлар тугашидан бир неча тур олдин «Сокол», «Оққўрғон» ва «Факел» коллективлари муяссар бўлдилар.

Иккинчи кичик группада голиблик учун кураш бутунлай бошқача характерда ўтди. Гап шундаки Андижон областининг «Марҳамат» ва «Пахтачи» командалари қатъиятсизлик кўрсатиб, чемпионатда қатнашишдан бош тортдилар. Бу республика биринчиликла р и д а мисли кўрилмаган ҳолдир. Шу туфайли финалга йўлланма берувчи уч ўрин учун «Тошкенткабель» заводи, Маргилоннинг «Меҳнат», Фарғонанинг «Тўқимачи», Наманганнинг «Автодорожник», Тошкентнинг «Восток», Сирдарёнинг «Дўстлик», Янгиободнинг «Восток» командалари кураш олиб бордилар. Бу ҳуқуқни «Тошкенткабель» ва «Меҳнат» командалари муддатидан аввал қўлга киритдилар. Учинчи йўлланма учун кураш «Тўқимачи» ва «Дўстлик» ўртасида борди. Бунга фарғоналиклар муяссар бўлдилар.

Республика биринчилигида саралаш мусобақалари тугади. Энди 6 даъвогар республиканинг энг олий унвони — чемпионлик учун кураш олиб боради.

Хўш, пойтахтимиз вакиллари республика биринчилигида қандай натижаларга эришдилар? Агар турнир жадвалига, ўтказилган ўйинлар протоколларига назар ташласак ҳамшаҳарларимизнинг ўйинларини ҳам қониқарли, ҳам қониқарсиз деса бўлади.

Қониқарли томони шундаки, финал группага худди ўтган йилгидек кабель заводининг футболчилари киришга муваффақ бўлдилар. Қониқарсиз томони эса, «Звезда», «Восток» командалари ўз мавқеларини жуда бўшаштириб қўйганлигидадир.

Бўлиб ўтган республика биринчиликлари тарихига назар ташласак, «Звезда»нинг фахрий шоҳсупанинг юқори погонасига бошқа коллективларга қараганда энг кўп кўтарилганини кузатиш мумкин. Лекин, бу йил команда ўз ўйинлари билан мухлисларини қувонтира олмади. Масалан, команда 7 тур ўйинларидан сўнг рақиблар дарвозасига 10 тўп киритгани ҳолда ўзи ҳам 12 марта ўйиннинг марказидан бошлади. Яна 6 тур давомида ҳужумчилар атиги 8 та тўп киритдилар холос.



СУРАТДА: «Ташавтомаш» дарвозабони Р. Аҳмедхонов ўз командасини хавфли вазиятдан қутқази.

Н. Надеждин фотоси.

«Восток»нинг натижаси ҳам қувонарли эмас. Бир вақтлар бу команда республика чемпиони унвонини қўлга киритиб, «миллионлар кубоги» ҳалқаро мусобақаларида иштирок этган эди.

«Восток» дастлабки учрашувларини муваффақиятли бошлади. Команда Андижоннинг «Пахтачи» командасини 8:1 ҳисобида таслим этгандан сўнг охирги ўринда бораётган шу областнинг «Марҳамат» командасига 1:2 ҳисобида ютқазиб қўйди. Бироқ, бу икки команда биринчиликдан чиқиб кетди. Сўнгра улар ўртасидаги учрашув натижаси бекор қилингач, «Восток»нинг ҳужумчилари бутун турнир давомида нима иш билан машғул бўлишганини билиш қийин. 12 учрашувда команда ҳужумчилари рақиб дарвозасига атиги 5(!) тўп кирита олдилар, холос. Шу давр мобайнида ўз дарвозаларидан 14 та тўп ўтказиб юбордилар. Натижада 6-ўрин билан чегараландилар.

Пойтахт командаларидан фақат «Тошкенткабель»гина ўз мухлисларини мамнун этди. Завод футболчилари турнирни кўтаринки руҳда ўтказиб, дадил ва комбинацион ўйин кўрсатдилар. Улар ўз майдонларида ҳам ўзгалар майдонида ҳам корхона спорти шарафини баланд кўтардилар. Команда чемпион унвони учун курашувчи финал группага кирди.

Пойтахтимиз футбол командалари ўзининг бой тарихига эга. Ҳозирги кунда «Б» класс бўйича СССР биринчилиги Ўрта Осиё зонасида пешқадамлик қилаётган «Ташавтомаш», Тошкент Армия спорт клуби командалари ҳам ўз фаолиятларини худди мана шу республика мусобақаларида бошлашган.

1970 йилда «Б» классда қатнашаётган пойтахт командалари сони яна бир командага кўпайса, ажаб эмас!

К. НОРМАТОВ,
Т. ЎРИНБОЕВ.

Ажойиботлар

ЙЎЛБАРС СЎҚМОҚЛАРИДА

Тайгадаги Сихотэ-Алин экспедициясида қатнашган СССР Фанлар академияси Сибирь бўлими узоқ Шарқ филиалига қарашли биология-тупроқ институтининг ходимлари Приморьеда ҳозир юздан ортиқ йўлбарс бор, деган хулосага келдилар. Узоқ Шарқнинг энг кўркам ҳайвонларини ўзига хос «рўйхатга олиш»нинг биринчи босқичи якунлари чиқарилди. Овчилар, заповедникларнинг егерлари, Женьшень изловчилар орасида мингдан ортиқ анкета варақалари тарқатилди. Бундан ташқари зоология лабораториясининг илмий ходими А. Г. Юдаков билан лаборант И. Г. Николаев Приморьенинг қарийб ҳамма районларида бўлишиб, йўлбарс билан учрашувлар тўғрисидаги кўпдан-кўп далилларни тўпладилар.

Владивостокка энг яқин йўлбарс макони шаҳардан 80—100 километр нарида. Йўлбарслар ҳатто Владивосток билан Находка портини боғловчи тош йўлга ҳам чиқиб турар экан. Артем ва Уссурийск шаҳарлари яқинигача бора экан. Тайгадаги олис районларнинг дарахт йиқитилаётган жойларида, Синего тизма тоғининг этакларида, Ханка кўлининг ғарбида, Сихотэ-Алин Судзухи заповедникларида йўлбарс тез-тез учраб туради.

1 ноябрдан ишларнинг иккинчи босқичи бошланади. Энди тоғларга қор тушиб ҳайвонларнинг излари кўзга яққол ташланадиган бўлганида йўлбарсларнинг ҳисоби олинади.

М. РИБАКОВ,
(ТАСС мухбири)



Москвадаги Гоголь номли драма театри А. Котовнинг машҳур шахматчи А. А. Алехин тақдири тўғрисида ҳикоя қиладиган «Оқлар ва қоралар» драмасини саҳнага қўйди

СУРАТДА: спектаклдан бир кўриниш. Александр Иванович Куприн— РСФСР да хизмат кўрсатган артист А. Ф. Морозов [чапда] Александр Александрович Алехин — артист Л. Н. Кулагин.

Н. Кулешов фотоси.

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ.



РАДИО

14 НОЯБРЬ

ЖУМА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 «Коммунистик аҳлоқ ва тарбия мавзуларида» (Ўзбекча). **18.10** Ленин ҳақида, партия ҳақида қўшиқлар. **19.20** Пахтакорларнинг талабларига мувофиқ концерт (татарча). **20.00** «Ўзбекистан индустриальный» радиожурнали. **20.30** Саноат ходимлари учун концерт. **21.00** Халқаро мавзуларда суҳбат (Ўзбекча). **21.10** Пахтакорлар учун концерт. **21.40** Сиёсий билимлар радиоуниверситети (Ўзбекча). **22.20** Таниш куйлар. **22.30** М. Бобоев. «Она қалби» поэмаси асосида радиопостановка (Ўзбекча).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

19.00 Муқимий номидаги театр артистларининг концерти. **19.30** «Дала меҳнаткашлари, сизлар учун» деган концерт (русча). **20.00** Пахтакорлар учун концерт (тожикча). **20.30** Композиторлар қайта ишлаган ўзбек халқ куйлари. **20.50** «Пахта терими — изгорларига тенглашайлик» (русча). **21.00** Янги китоблар (Ўзбекча).

15 НОЯБРЬ

ШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

8.25 Э. Йўлдошев ва М. Дадабоева куйлайди. **9.30** Б. Зейдман. Хоразм темаларидаги квартет. **10.10** «Гулшан» радиожурнали. **11.15** С. Манюшко. «Эртак» увертюра-фантазияси. **11.35** Халқ талантлари концерти. **12.15** Радио тингловчиларнинг талабларига мувофиқ концерт. **13.30** Енгил куйлар. **15.10** «Правда» газетасининг обзори. **15.20** «Ёзувчи ва унинг қаҳрамони». Колхозчиларнинг IX съездига бағишланган адабий эшиттириш (русча). **16.10** Эстрада концерти. **17.20** Уйғур куйлари. **17.50** «Идеология ва ҳаёт» (Ўзбекча). **18.00** «Музикали салом (Ўзбекча). **18.40** Спорт эшиттириши (Ўзбекча). **19.20** Балетлардан рақслар. **20.00** «ЛЕНИНИОМА» программаси (Ўзбекча). **20.30** Куйлар. **21.00** «Қардош коммунистик партиялар ҳаётидан» деган эшиттириш (Ўзбекча). **21.10** «Қишлоқ радиоклуби» деган музикали эшиттириш (Ўзбекча). **22.20** Рақс куйлари. **23.10** Фурқат лирикаси.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

8.25 Таниқли ижрочилар концерти. **9.15** Спорт эшиттириши (русча). **19.00** Ҳажвий ҳикоялар (Ўзбекча). **19.30** Ўзбекистон ёзувчиларининг асарлари И. Раҳим. «Зангори кема» капитанлари» (русча). **20.00** Шашмақомдан парчалар. **20.30** Озарбайжон куйлари. **21.00** Эстрада-рақс концерти. **21.40** В. И. Ленин ҳақида ҳикоялар (татарча).

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

14.00 «Композитор Д. Жонгиров» деган суҳбатли концерт (русча). **15.30** М. Исмоилий. «Фарғона тонг отгунча» радиопостановкаси (Ўзбекча). **17.30** А. Мухтор. «Опа-сингиллар» радиопостановкаси (русча). **19.00** «Гулшан» радиожурнали.

ТЕЛЕВИЗОР

14 НОЯБРЬ

ЖУМА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

17.55 Кўрсатувлар программаси.
Рус тилида: 18.00 «Старшеклассник» программаси. **18.35** Телевизион янгиликлар. **18.50** «Москва, ўртоқ Ленинга». Ҳужжатли фильм. **19.10** «Пропагандист» программаси. **19.40** Музикали календарь. **20.20** Кўрсатувлар программаси.
Узбек тилида: 20.25 Телевизион янгиликлар. **20.40** Шоли — давлатга. **20.55** «Оламга саёҳат». Кинокўрсатув. **21.55** Ёзувчилар — пахтакорлар ҳузурида. **22.10** «Ўзбекистон чорвадори» программаси.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ
ЎҚУВ КЎРСАТУВЛАРИ ПРОГРАММАСИ
Рус тилида: 19.00 Жамиятшунослик. 10-синф. «Моддий ишлаб чиқариш — жамият ҳаётининг асоси».
Узбек тилида: 19.25 Жамиятшунослик. 10-синф. «Моддий ишлаб чиқариш — жамият ҳаётининг асоси».

МОСКВА КЎРСАТАДИ

19.55 Кўрсатувлар программаси. **20.00** Янгиликлар. **20.15** Беш йилликлар йўлларидан. **20.45** Мантабгача ёшдаги болалар ва кичик ёшдаги мактаб ўқувчилари учун. «Қувноқ шаҳарча». **21.15** Орган куйларидан концерт. **21.45** В. И. Ленин ҳаёти ва фаолиятининг хроникаси. **22.30** Латвия ССР Давлат Академик опера ва балет театри солистларининг концерти. **23.30** Янгиликлар эстафетаси. **00.15** Рангли телевидение программаси. «Ҳайвонот оламида». **01.45** Қўшиқ ҳаваскорлари клуби. **02.45** Янгиликлар, кўрсатувлар программаси. **03.00** Москва кўрсатувларининг охири.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ
Рус тилида: 20.00 «Дўстлик қўли». Фоторепортаж. **20.10** «Венера сари». Ҳужжатли фильм. **20.30** «Ун уч». Бадиий фильм.

15 НОЯБРЬ

ШАНБА

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

16.55 Кўрсатувлар программаси.
Узбек тилида:
17.00 Болалар учун. «Қувноқ мийнутлар».
Рус тилида:
17.30 Телевизион янгиликлар. **17.40** Болалар учун. «Қўённинг қулоғи нега узун?». «Ялқовлар ҳақида». Кинофильмлар.
Узбек тилида:
18.10 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Истиқбол эгалари». Тележурнал. **19.00** Телевизион янгиликлар. **19.15** Зайнаб Люманова куйлайди. **19.55** Кўрсатувлар программаси.

МОСКВА КЎРСАТАДИ

20.00 Янгиликлар. **20.15** Рангли телевидение программаси. РСФСРда хизмат кўрсатган артист Олег Табаковнинг ижодий портрети. **21.30** Колхозчиларнинг «Бутуниттифоқ III съездига бағишланган эшиттириш. **22.00** Шахмат альманахи. **22.30** «Огонек». **23.45** Янгиликлар. **24.00** Социализм дунёси. **00.30** Рангли телевидение программаси. «Орзудаги рицарь». Бадиий фильм. **02.00** «Кечки Ленинград». Эстрада концерти. **02.45** Янгиликлар, кўрсатувлар программаси. **03.00** Москва кўрсатувларининг охири.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА
ЎҚУВ КЎРСАТУВЛАРИ ПРОГРАММАСИ
Узбек тилида:
10.00 Ота-оналар учун консультация.

СИРТДАН ЎҚУВЧИ СТУДЕНТЛАР УЧУН

10.30 Олий математика. **11.30** Чизма геометрия.
Рус тилида:
12.30 Чизма геометрия. **13.30** Олий математика.
Узбек тилида:
14.30 Сиёсий иқтисод.

МОСКВА КЎРСАТАДИ

16.00 Телевизион халқ университети. Фан ва техника факультети. Дунёнинг ҳозирги кўриниши. «Бугунги кунда дунёни бинэ қандай тасаввур қиламиз». **16.45** Маданият факультети. Одоб проблемалари. **17.30** Болалар учун телевизион театр. П. Бажов асари асосида ишланган телеспектакль иккинчи серияснинг премьераси. **18.15** Эфирда «Молодость». **19.00** Бутуниттифоқ ҳаваскорлик санъати лауреатларининг концерти. Татаристон АССР коллективларининг концерти.

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ
Узбек тилида:
20.00 «Чашма». Адабий кўрсатув. **20.40** Спорт ҳафта ичида. **21.00** Қорақалпоғистон АССРда хизмат кўрсатган артист Кенжа Матназаров куйлайди. **21.40** «Аршин мол олон». Бадиий фильм.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА
18.00 ДУШАНБА ТЕЛЕВИДЕНИЕ СТУДИЯСИНИНГ КУРСАТУВЛАРИ.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРДА — 15/XI да **Қирқ қиз**, 16/XI да кундуз **Севилья сартароши**, кечқурун **Жизель**.

ҲАМЗА НОМЛИ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 15/XI да **Шох Эдип**, 16/XI да **Мария Стюарт**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 15/XI да **Ажаб савдолар**, 16/XI да **Навоий Астрободда**.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **Йиртқич ҳайвонлар аттракциони**.

Кино

14 ноябрда

Ҳалонат — САНЪАТ САРОЙИ (кеч соат 8-45 минутда). «СПУТНИК» (кеч 8 да), «ЎЗБЕКИСТОН 25 ИЛЛИГИ», «КОМСОМОЛ 30 ИЛЛИГИ», «МОСКВА» (кечқурун).

Тоғ қоясидаги трагедия — «ЧАЙКА», НАВОИЙ номли, «ДРУЖБА», «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ИЛЛИГИ», «СПУТНИК» (кечқурун).

Эркак ва аёл — «ЎЗБЕКИСТОН» (кечқурун).

15 НОЯБРДА

Тоғли дара фожиаси — «ЧАЙКА» НАВОИЙ номли, «ВОСТОК», «ДРУЖБА», «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ИЛЛИГИ», «СПУТНИК» (кундуз ва кечқурун).

Ҳалонат (1 ва2-серия) — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ИЛЛИГИ», «КОМСОМОЛ 30 ИЛЛИГИ», «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун), «СПУТНИК» (кундуз соат 2,3 ва кеч 8 да), САНЪАТ САРОЙИ (кеч 8-45 минутда).

Жоду севги — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз ва кечқурун).

Эркак ва аёл — «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун).

УРТА ОСИЁ ТЕМИР ЙЎЛИ ДОРУРСИНИНГ САВДО-ХАРИД БАЗАСИГА
бош бухгалтер, товаршунос, омбор мудири, юкчилар
КЕРАК
Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, 5, Куйбишев шоссеси, 7-уй (5,7,12,26,125-автобусларнинг «Товарный двор» бекати).

ТОШКЕНТ 5-ҒИШТ ЗАВОД БОШҚАРМАСИГА
тахловчилар, олувчилар, слесарлар, қуювчилар, электр монтёрлар, ёрдамчи ишчилар
КЕРАК
Оилалилар квартира билан, ёлғизлар — ётоқхона билан таъминланади.
Ишчилар ишга ва уйга завод автотранспортида қатнайдилар.
Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Носиров кўчаси, 188-уй (9, 11, 19-автобуслар, 2, 16-трамвайларнинг «Галаба боғи» бекати).

ДИССЕРТАЦИЯ ЁҚЛАЙДИЛАР:

1969 йил 26 ноябрь кундуз соат 2 да, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси физика техника ва математика фанлари бўлимининг механика-математика мутахассислиги бўйича бирлашган илмий совет мажлисида (физика-техника институтининг конференц-зали, Обсерватория кўчаси, 85-уй) физика-математика фанлари кандидати илмий даражасини олиш учун

Л. И. Толипова: «Чизиқсиз системадаги тебранишни текширишдаги айрим усуллар ҳақида» деган темада.

Ф. Асадов: «Тўртбурчакли юпқа плита эгилишининг чегара масалаларини ечишда баъзибир ҳисоблаш усуллари» деган темада.

Диссертациялар билан академия кутубхонасида танишиш мумкин. (А. Тўқаев кўчаси, 1-уй).

26 ноябрь кундуз соат 2 да, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг геология фанлари бўйича бирлашган илмий совет мажлисида (Х. М. Абдуллаев номли геология ва геофизика институтининг конференция зали, академик Сулаймонова кўчаси, 33-уй) геология-минерология фанлари кандидати илмий даражасини олиш учун

А. А. Атҳамов: «Сурхон водийси ва жануби-ғарбий Ҳисор тизмаларидаги мезозой ва палеоген ётқизиқлари ҳамда уларнинг нефть ва газга бўлган истиқболлари» деган темада:

Р. Қ. Қамбариддинов: «Павлодор Иртиш бўйи антропоген қатламларининг стратиграфияси, уларнинг палеотологик асосланиши ва Ғарбий Сибирь ҳамда Ўрта Осиёнинг бағзибир районларига таққосланиши» деган темада.

Диссертациялар билан ССР Геология министрлиги ГИДРОИНГЕО институтининг кутубхонасида танишиш мумкин (академик Сулаймонова кўчаси, 33-уй).

1969 йил 26 ноябрь кундуз соат 2 да, Тошкент давлат медицина институти педиатрия ва санитария-гигиена факультетларининг илмий совет мажлисида (Морфология корпуси, 1-зал) медицина фанлари кандидати илмий даражасини олиш учун

У. А. Баҳодирова: «Бактериал дизентерия касаллигида клиник бактериологик текширишларга доир» деган темада;

Л. У. Маҳмудова: «Болалардаги ич-терлама касаллигида қондаги лейкоцитларнинг фаолияти ва морфологиясининг ўзгариши» деган темада.

26 ноябрь кундуз соат 2 да, Тошкент давлат медицина институти даволаш ва стоматология факультетларининг илмий совет мажлисида (морфология корпуси, 2-зал) медицина фанлари докторлик даражасини олиш учун

А. А. Аъзамхўжаев: «Ўзбекистон ССРнинг нефть ва газ корхоналарида ишчиларнинг касаллиги ҳамда медицина ёрдамининг ташкилий масалаларига доир» деган темада.

Диссертация билан институт кутубхонасида танишиш мумкин (К. Маркс кўчаси, 103-уй).

ДИССЕРТАЦИЯ ЁҚЛАЙДИ:

1969 йил 3 декабрь кундуз соат 2 да, Тошкент давлат медицина институтининг илмий совет мажлисида (акт зали) медицина фанлари доктори илмий даражасини олиш учун

С. А. Аъзамхўжаев: «Ўзбекистон ССРнинг нефть ва газ корхоналарида ишчиларнинг касаллиги ҳамда медицина ёрдамининг ташкилий масалаларига доир» деган темада.

Диссертация билан институт кутубхонасида танишиш мумкин (К. Маркс кўчаси, 103-уй).

1969 йил 26 ноябрь кундуз соат 2 да, Тошкент давлат медицина институтининг илмий совет мажлисида (Морфология корпуси, 1-зал) медицина фанлари кандидати илмий даражасини олиш учун

Х. Орипов: «Ошқозон ва ўн икки бармоқли ичак яраларини прополис билан даволашга доир» деган темада:

Ф. Мавлонов: «Турли биосубъектларда (ичак ширасида, аҳлатда, сийдикда) аминокислоталарнинг таркиби ва ичакнинг айрим сиқилиш-ичак касалликларида оқсилнинг сўрилиш қобилияти» деган темада.

27 ноябрь кундуз соат 2 да, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Физика-техника ва математика фанлари бўлимининг техника фанлари бўйича бирлашган илмий совет мажлисида (Ўрта Осиё ирригация илмий-текшириш институтининг конференц-зали, Я. Колас кўчаси, 28-уй) техника фанлари кандидати илмий даражасини олиш учун

А. С. Энёдуллаев: «Пахта мойи ва шрот ишлаб чиқаришда баъзи жараёнларни адаптив моделлаштириш» деган темада;

Б. Г. Полякова: «Икки қаватли сув ўтказгич иншоотининг ўтказувчанлик қобилиятини ҳисоблаш усули» деган темада.

Диссертациялар билан академия кутубхонасида танишиш мумкин. (А. Тўқаев кўчаси, 1-уй).

28 ноябрь кундуз соат 2 да, Тошкент давлат медицина институти даволаш ва стоматология факультетларининг илмий совет мажлисида (морфология корпуси, 2-зал) медицина фанлари докторлик даражасини олиш учун

А. М. Харатьян: «Сурункали энтероколитнинг клиник-биохимик ва патоморфологик аспектлари» деган темада.

28 ноябрь кундуз соат 2 да, Тошкент давлат медицина институти педиатрия ва санитария-гигиена факультетларининг илмий совет мажлисида (морфология корпус, 1-зал) медицина фанлари кандидати илмий даражасини олиш учун

Э. Н. Сургутанова: «Юқумли гепатит манбаъи эпидемологик назоратининг натижаси ва унинг олдини олиш чоралари» деган темада;

С. Х. Мадаминов: «Қуруқ иссиқ иқлим шароитида (Фарғона водийси) болалар иссиғининг ҳолатини ўрганиш асосида мактабгача бўлган ёшдаги болалар муассасаларида комфорт температура зонасини асослаш» деган темада.

Диссертациялар билан институт кутубхонасида танишиш мумкин (К. Маркс кўчаси, 103-уй).

1969 йил 2 декабрь кундуз соат 12 да, Тошкент қишлоқ хўжалик институти агрономия факультетининг илмий совет мажлисида (60-аудитория) қишлоқ хўжалик фанлари кандидати илмий даражасини олиш учун

И. И. Кузьмин: «Ўзбекистоннинг ламмикор ерларида дон етиштиришнинг ҳозирги аҳволи ва унинг ривожлантириш йўллари» деган темада;

У. Хўжабеков: «Сирдарё области Зомин районида кузги буғдойга ламмикор ерларни ҳар хил муддатларда ва усулларда асосий ишлаш» деган темада.

Диссертациялар билан институт кутубхонасида танишиш мумкин (Тошкент область, Оржоникидзе, 4).

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ 4 БЕТ. 14 НОЯБРЬ, 1969 й.

«ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ» орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: Тошкент шаҳар Дзержинский кўчаси 15-уй. Редакция телефонлари: Коммутатор—33-02-49 дан 33-02-58 гача, редактор ўринбосарлари 33-29-33, 33-29-09, масъул секретарлар—33-27-22, партия, совет ва касаба союз ташкилотлари, шаҳар хўжалиги бўлимлари, 33-29-42, адабиёт, санъат ва маданият бўлимлари —33-29-55, хатлар ва оммавий ишлар, 33-29-70, фан ва олий ўқув юртлари, иллюстрация бўлимлари —33-27-57, саноат, транспорт ва қурилиш бўлимлари —33-27-03, ахборот бўлими —33-65-57, эълонлар бўлими —33-81-42.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри.

Индекс 64579. НАШР 2902. Р — 04799.